

# Халқ сўзи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 24 декабрь, № 248 (5415)

Шанба

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



**НАВОИЙ.** Навбахор туманидаги Янгикўрғон қишлоғида “Элбек Файз” хусусий корхонасига қаршли сервис ва маиший хизмат кўрсатувчи замонавий мажмуа фаолият бошлади.

## Қишлоқдаги янги мажмуа

Банкнинг 80 миллион сўмлик кредити эвазига қурилган мазкур мажмуада автомобилларни таъмирлаш устанонаси, дорихона, сартарошхона каби ўнлаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Мухими, ушбу хайрилик ташаббусида 20 кишининг бандлиги таъминланди.

Вилоятда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида 501 хизмат кўрсатиш шохобчаси бунёд этилди. Бунинг учун 6 миллиард 206 миллион сўм йўналтирилди.

**А. ЗАРИПОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

**НАМАНГАН шаҳрида** “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

## Йўлланмалар берилди

Шаҳар Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан уюштирилган мазкур тадбирда 107 та корхона ва ташкилот 591 бўш иш ўрни билан қатнашди. Унга тақдир этилган 450 нафардан зиёд фуқаро бу ердаги кўргазма ва мутахассисларнинг маълумотлари асосида ўзларининг бўлажак иш ўринларини танлаб олдилар.

Пировардида 133 кишига доимий ишга жойлаштирилди.

**Қ. НАЖМИДИНОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.** Янгийўллик Элшод Мираҳмедов “Еш тадбиркор — юртга мададкор” танловида иштирок этиб, банкнинг имтиёзли кредитини кўлга киритди.

## Самарали лойиҳалар — ҳаётга

Натижада у компьютерларга техник хизмат кўрсатувчи хусусий корхона очди.

Банк кредитининг фойз ставкалари “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан қоплаб борилаётгани ёш тадбиркорларни янги-янги лойиҳалар устида ишлашга ундамоқда.

Шу йилнинг ўзида тадбиркорлар томонидан тақдим этилган қирққа яқин ана шундай истиқболли лойиҳалар имтиёзли кредитлар ажратиш учун молия муассасаларига тақдим этилди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

**ТОШКЕНТ.** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Қурултой Кўчларининг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кўни байрамига бағишланган “Ватан азиз, жасорат мангу” республика танловини ўтказиш бўйича ҳайат йиғилиши бўлиб ўтди.

## «Ватан азиз, жасорат мангу»

Таъкидланганидек, ушбу танлов Президентимизнинг 2011 йил 28 октябрдаги фармойишига асосан ташкил қилинмоқда. Ҳозирги кунга қадар юздан зиёд журналист унда қатнашиш истагини билдириб, матбуот, радио, телевидение ва интернет журналистикаси йўналишлари бўйича бир ярим мингга яқин ижодий ишини тақдим этган.

“Ватан азиз, жасорат мангу” танлови ғолиблари Ватан ҳимоячилари кўни арафасида эълон қилинади.

**Ш. ОРТИҚОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

**БУХОРО.** Вобкент туманидаги “Шаҳноза Зебинисо” фермер хўжалиги жамоаси жорий йилда бунёд этган иссиқхонасида етиштирилган дастлабки сабзавотларни ҳамқишлоқларининг байрам дастурхонига тортиқ қилди.

## Байрам дастурхонига

Ушбу лойиҳа банкнинг 150 миллион сўмлик кредити эвазига молиялаштирилган.

Туманда айна пайтда 18 та фермер хўжалигига қаршли 25 гектарлик майдонда ташкил этилган ана шундай иссиқхоналарда ёз неъматлари етиштириляпти.

**И. ИБРОҲИМОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

Азиз газетхон!  
Сеvimли нашрингиз —  
«Халқ сўзи»га  
2012 йил учун  
обуна давом этмоқда

Нашр индекси: 229

## БИЛИМЛИ, ШИЖОАТЛИ ВА ФИДОЙИ ЁШЛАР

она-Ватанимизнинг бугуни ва порлоқ келажагини барпо этишда ҳал қилувчи кучдир

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг навбатдаги учинчи қурултойи бўлиб ўтди. Ҳаракатнинг ўтган беш йилдаги фаолияти сарҳисоб қилиниб, галдаги муҳим вазифалар ҳамда фаолият йўналишлари белгиланган мазкур тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, қурултой делегатлари, маънавий-маърифий соҳалар мутахассислари иштирок этди.

Қурултой делегатлари давтавал Мустақиллик майдонида ташриф буюриб, пок ниятларимиз тимсоли бўлиши Мустақиллик ва Эзгулик монументи пойига гуллар кўйдилар.

Шундан сўнг қурултой очик деб эълон қилинди.

Тадбирда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б. Ганиевнинг беш йиллик фаолият таҳлили ва галдаги вазифалар юзасидан ҳисоботи тингланди. Таъкидланганидек, Президентимизнинг 2006 йил 10 октябрда қабул қилинган “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳара-

кати қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги қароридан белгиланган вазифалар Ҳаракат-

### Анжуман

нинг ўтган даврдаги фаолиятида дастуриламал бўлди.

Аслида ҳам, юртимизда ёш авлоднинг маъна ва жисмонан соғлом, етук ақл-заковат, билим ҳамда истеъдод соҳиби бўлиб вояга етишини таъминлаш йўлида Президентимиз ташаббуси билан кенг қўллаб-қувватлаш, эзу саъй-ҳаракатлар амалга оширил-

моқда. Бундай юксак гамхўрликка жавобан, ёшларимиз ҳар бир жабҳада илғор, ташаббускор бўлиш, она-Ватанимиз доврғини дунёга таратиш мақсадида интиляётганликлари ҳар биримизга чексиз гурур-ифтихор бағишлайди. Зеро, бугун халқимизнинг куч-қудрати, шижоати, эришган ижобий натижалари шу мамлакатда камол топаётган ёшларнинг орзу-интилиши, интеллекул салоҳияти ва энг муҳими, оламшумул муваффақиятлари мисолида ўз тасдиғини топмоқда.

Президентимиз ёшларга юксак ишонч билдириб: “Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир”, деб таъкидлаганларида, бугунги авлод айнан шундай фазилатларга эга бўлиши лозимлигини назарда тутганликлари, шубҳасиз.

(Давоми 2-бетда).

## МАҚСАД — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан суд ҳокимиятининг янги тизими — хўжалик судларининг ташкил этилиши мамлакатимизда бозор иқтисодиётини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда мустақил институт сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Ҳақамлик суди ва хўжалик низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мулк шаклидан қатъи назар, хўжалик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш-

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

да муҳим асос бўлди. Хўжалик судлари ҳуқуқий маконининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилгани уларнинг фаолиятини ривож-

лантиришга янада кенг йўл очди.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судида ташкил этилган “Қонун устуворлигини таъминлаш — фаолиятимиз бош мезони” мавзусидаги илмий-амалий конференцияда шулар ҳақида гап борди. Унда қонун чиқарувчи, суд ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ҳамда бошқа идоралар ходимлари, олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

## КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Ҳар қандай жамият ривожининг муҳим мезонларидан бири фуқароларнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокидир. Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўллаб-қувватлаш йўналишида ана шу ҳаётий ҳақиқат ўз инъикосини топган. Фуқароларнинг сайловларда қатнашиш орқали ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш тамойили Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилгани, бу борадаги қонунчилик тадрижий равишда такомиллаштириб борилаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

## САЙЛОВ ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мазкур жараёнларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Барчамизга аёнки, унда илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари, ғоя ва тақдирлар қаторида сайлов ҳуқуқи эркинлигини янада кенг-роқ таъминлаш, бу борада тегишли ҳуқуқий механизмларни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида ургу берилган. Бу эса фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакилилик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришдаги навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Концепцияда шу мақсадда муҳим устувор вазифалар белгилаб берилган. Чунончи, унда сайлов жараёнларида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини ошириш, сайловда ташвиқотини нафақат сайлов кўни, балки овоз бериш бошланғичидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин эмаслигини тўғрисидаги нормани киритиш, мuddатидан олдин овоз бериш тартиб-қоидасини таомиллаштириш ўз ифодасини топган.

(Давоми 3-бетда).

## СИФАТ ВА СУРЪАТ УЙЎНУМЛИГИ

Мамлакатимизда етиштирилаётган пахта ва ипак толаси сифат кўрсаткичлари юқорилиги билан жаҳон бозоридан алоҳида эътибор қозониб, эътироф этилган. Шу боис уларга дунё бозоридан талаб нисбатан катта. Қувонарлиси, истиқлол йилларида тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилиши натижасида маҳаллий ишбилармонларимиз томонидан бундай хом ашёларни ўзимизда қайта ишлаш ҳажми тобора ортиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Пировардида юртимиз тўқимачилик сановати йил сайин ривожланиб, рақобатбардош трикотаж маҳсулотлари ички ва ташқи бозорга етказиб бериляпти.

### 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Бунда Пастдарғом тумани маркази — Жума шаҳрида фаолият юритаётган “Пастдарғом тикуччи” масъулияти чекланган жамияти жамоасининг ҳам ҳиссаси катта. Ҳозир бу ерда 150 нафар хотин-қиз иш билан банд. Хоржидан 86 минг евро эвазига келтирилган замонавий тикув дастгоҳлари улар томонидан моҳирлик билан бошқариляпти.

— Цехларимизга ўрнатилган технологиялар кўнига 3200 донна болалар кийими тайёрлаш қувватига эга, — дейди корхона бош ҳисобчиси Хасан Дўстмуродов. — Корхонамиз иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, махсулотларимиз ички бозорда ўз хариддорларини топиб улгурди. Келгусида уларни экспортга чиқариш юзасидан хоржий мамлакатлар билан шартномалар тузаямиз.

Дарҳақиқат, корхона цехларида иш қизгин. Чеварларнинг кўли-қўлига тегмайди. Айниқса, Қундуз Эркаева, Хилола Чориева, Замира Назарова, Шоҳишта Жумабоева каби тикувчиларнинг иш тажрибаси шоғирларга ўрнак. Тайёр маҳсулотлар малакали мутахассисларнинг сифат кўригидан ўтказилиб, пешма-пеш буюртмачиларга жўнатилмоқда. Корхона тўлиқ қувват билан ишлаб бошлаётган, бу ерда тикилаётган болалар либослари тури ҳам, ҳажми ҳам ортади.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.



СУРАТДА: корхона фаолиятдан лавҳа.

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

(Давоми 3-бетда).

## Соҳа жадал ривожланмоқда

Мамлакатимизда жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида қорамоллар умумий сони аввалги йилдагига қараганда,

6

фоизга кўпайди.

Қишлоқ хўжалигининг ушбу муҳим тармоғини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар натижасида нафақат қорамоллар бош сони кўпайяпти, балки уларнинг насли ҳам яхшиланиб бораёттир. Деҳқон ва фермер хўжалиқларининг зотли чорва моллари сотиб олиш бўйича лойиҳалари тижорат банклари томонидан молиялаштириляптгани бунда кўл келмоқда. 2011 йилнинг тўққиз ойида банкларнинг 48,8 миллиард сўм миқдоридидаги кредит маблағлари шу мақсадларга йўналтирилгани бунинг яққол далилидир.

Таъкидлаш керакки, чорвачилик хўжалиқларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий фермалар барпо этиш масаласи ҳам диққат-эътиборда. Хусусан, йил бошидан бунён 12,7 минг бош қорамол боқишга мўлжалланган 408 та чорвачилик хўжалиги ташкил этилди. Бу чорва моллари сони кўпайишига, гўшт ва сўт махсулотлари етиштириш ҳажми ошишига хизмат қилади, албатта.

Айни пайтда республикаимизда парвариланаётган қорамоллар умумий сони 9428,2 минг бошга етди. Бу, ўз навбатида, 1132,8

минг тонна гўшт, 4910,4 минг тонна сўт тайёрлаш имконини берди. Қувонарлиси, етиштирилаётган гўшт ва сўтга қайта ишлаш суръати ҳам ошиб, аҳоли дастурхонига турфа хилдаги тайёр маҳсулотлар тортиқ қилинаёттир. Бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида жорий йилнинг тўққиз ойида йилга 7 минг тонна гўштни қайта ишлаш қувватига эга 39 та, 25,1 минг тонна сўтни қайта ишлайдиган 58 та замонавий корхона ишга туширилгани, шунингдек, сўт қабул қиладиган 56 та сервис пункти ташкил этилгани диққатга сазовордир.

Бир рақам шарҳи





# «UZ-DONGJU PAINT CO.»

қўшма корхонаси

азиз юртдошларимизни,  
мамлакатимиз иқтисодий  
қудратини ошираётган  
тадбиркорларни яқинлашиб келаётган

## 2012 йил

Мустақкам оила  
йили

билан қутлашдан  
беҳад мамнун!

Янги йилда  
хонадонингизни  
меҳр-муҳаббат  
ва тўқин-сочинлик,  
бахту омад  
тарк этмасин!



**Дилдаги барча орзу-умидларингиз рўёбга чиқсин!**

# ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ

жамоаси

халқимизни яқинлашиб келаётган

## Янги — 2012 йил

билан йил дилдан қўплайди!

Юртимиз обод, осмонимиз мусаффо, турмушимиз янада фаровон бўлиб,  
хонадонимиздан бахт-саодат, тўқинлик ва қувонч афимасин!

### «КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**Бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

Суд икромчилари Ургут тумани бўлими томонидан, ЖИБ Самарқанд вилояти судининг 2009 йил 10 февралдаги 2/192-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ургут шаҳри, Почтов кўчаси, 17-уйда жойлашган, «Рисола» ХИЧСФга қарашли, литер Е остида қурилган, 187 та хонадан иборат, таъмирталаб, қурилиш майдони 4634,33 кв.м. бўлган 3 қаватли савдо маркази, нархи 10 фоз арзонлаштирилган ҳолда, аукцион савдосига такроран қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 514 154 626 сўм.**  
Аукцион савдоси 2012 йил 24 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Ушбу қўчмас мулклар 2012 йил 24 январьдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 7 ва 21 февраль кунлари сотилгунга қадар бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган қўчмас мулклар билан тегишли суд икромчилари бўлими вакили иштирокда бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидagi талабгорлардан аризалар иш қулиари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидagi талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фозидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТ «Турон» банки Самарқанд шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609013, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Самарқанд ш., Бустонсарой к., 85-«А» уй. Тел.: (8-366) 233-80-56.

### «КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ қуйидагиларни маълум қилади!

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб, «Халқ сўзи» газетасининг 2011 йил 23 ноябрдаги 227 (5394)-сонда чоп этилган хабарнома билан «КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖнинг аукцион савдосига чиқарилган, Юнусобод тумани, Партизбаева кўчаси, 18-«А» уй манзилида жойлашган, умумий майдони 600 кв.м., 4 хонадан иборат бўлган уй аукцион савдосидан олинди. Савдодан олинган асос: Юнусобод тумани СИБнинг 2011 йил 19 декабрдаги 23776-77/27-сонли хати.

Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Тел.: (8-371) 238-80-26.

ЛИЦЕНЗИЯ: RR-0001

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди жамоаси Конституциявий суднинг эксперти Гулмуром Султонхўжаева Алимвага отаси  
Султонхўжа Турғунович АХМАДХЎЖАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси академик лицей ва касб-хунар коллежлари бўйича проректор Равшан Мақсудовга падарни бузруквори  
ҲАСАНБОЙ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 214,3 ▲ +3,4 ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) 187,4 ▲ +1,4 АРМАТУРА 3269,5 ▼ -398,9 ШИФЕР (1 лист) 14724 ▲ +1955 АЗОТ. ФОСФОР ҲИТИ 370,1 ▲ +0,5 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

### Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонуңчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

### Бош муҳаррир Ҳткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 48409 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди  
ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов  
томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ҳза якуни — 21.50 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5